

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338+658:338+65.011.8

НОРҚЎЗИЕВ ЛОЧИН НЕЪМАТУЛЛО ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

(АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармаси маълумотлари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Я.Алнев

Тошкент – 2018

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар ҳал этилди: инвестиция лойиҳа дастурларини шакллантириш тартиби, муддатлари ва молиялаштириш манбаларининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсати ва инвестицияларни жалб қилиш ҳолати. АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармаси фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган йўллари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашади.

The main issues in the dissertation were solved: the order of formation of investment project programs, terms and features of sources of financing, investment policy and investment attraction in the Republic of Uzbekistan, ways of analyzing the characteristics and economic indicators of activity of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan "Agrobank". The practical application of scientific recommendations and practical recommendations in the research process will help commercial banks fund their investment projects.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Алиев Я.



ИМЗО

15.08.18

сана

Магистр: Норкўзиев Л.



ИМЗО

15.08.18

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов



“19” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “18” 06 соат 19⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ.....	4
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯ- ЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият ва инвестицияларни жалб қилишнинг назарий ва услубий асослари.....	11
1.2. Инвестиция лойиҳа дастурларини шакллантириш тартиби, муддатлари ва молиялаштириш манбаларининг ўзига хос хусусиятлари.....	22
1.3. Инвестиция лойиҳалари таҳлилининг асосий йўналишлари.....	29
Биринчи боб бўйича хулоса.....	40
II ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ БОБ. ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармаси маълумотлари асосида).....	42
2.1. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсати ва инвестицияларни жалб қилиш ҳолати таҳлили.....	42
2.2. АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармаси фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	58
2.3. АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармасининг кредит сиёсати ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳолати таҳлили.....	67
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	76
III ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	78
3.1. Инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	78
3.2. АТБ “Агробанк” Республика бош бошқармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	87
Учинчи боб бўйича хулоса.....	92
ХУЛОСА.....	92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	95

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Саноат тармоқларини модернизациялаш қилиш ва техник-технологик янгилаш жараёнларини жадал равишда амалга оширилиши иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бу борада мамалакатимизга йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ҳамда мазкур жараёнда тижорат банкларининг ролини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестиция фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ. Ҳар бир давлат ташрифида биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард долларлик келишувларга эришмоқдамиз. Аммо, бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас. Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ. Дастурларни шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар фақат рақамлар ортидан қувиш билан банд. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истикболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шугулланмоқда” дея таъкидлаб ўтилган¹.

Бугунги кунда инвестиция фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, стратегик аҳамиятга молик инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ва самарали инвестиция лойиҳаларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 23 декабрь, 2017 йил.